

## Англияда малака ошириш ва UzTESPING халқаро лойиҳаси

2020 йил 25-феврал куни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида (**ТИҚХММИ**) **UzTESPING** лойиҳаси бўйича халқаро семинар-тренинг ташкил этилди. Лойиҳа иштирокчиси "Инглиз тили" кафедраси катта ўқитувчиси Г.Эшchanova тадбир модератори сифатида очиб бериш учун сўзни инглиз тили кафедраси мудири Ф.Беговга берди. Кейин Г.Эшchanova институтда мавжуд факултетлар, мутахассисликлар, эришилган ютуқлар ва халқаро лойиҳалар ҳақида қисқача маълумот берди. Мехмонларга **ТИҚХММИ** ҳақида қисқа видеоролик намойиш этилди. Сўнгра семинар ва лойиҳа иштирокчилари билан таништириб ўтилди. Буюк Британиядан Доктор Жонатан Френч, Варвик Университетининг Амалий Тилшунослик Факультети, Бизнесни ривожлантириш менежери, **UzTESPING** лойиҳаси координатори ёрдамчиси Хилола Мақсадова (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети) ва Уорвик битирувчиси Элеонора Менглиева (БИИМ) ва шунигдек, семинар-тренингда, Самарқанд давлат университетининг инглиз тили ўқитувчиси Холиддин Шомухаммедов, ўқитувчилар мураббийлари ва 30 га яқин институтлари вакиллари ҳамда кичик ва юқори курс талабалари иштирок этдилар.



TIQXMMI matbuoti